Агар одамларнинг даъволарига асосланиб сўраган нарсалари берилаверса, (айрим) кимсалар қавмнинг молию қонини даъво қилиб чиққан бўлардилар. Бироқ даъво қилувчи далил келтириши, инкор этувчи қасам ичиши шарт», – дедилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамларнинг даъволарига асосланиб сўраган нарсалари берилаверса, (айрим) кимсалар қавмнинг моли ва қонини даъво қилиб чиққан бўлардилар. Бироқ даъво қилувчи далил келтириши, инкор этувчи қасам ичиши шарт», – дедилар.

[Ҳасан] [Байҳақий ва бошқалар ривояти шундай, баъзи қисмлари «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган]

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдиларки, агар одамларга далил-исботсиз, фақат даъволари асосидагина (ҳақ) берилса, у ҳолда баъзилар бошқаларнинг мол-мулклари ва жонларини даъво қилиб чиқар эдилар. Шунинг учун, даъво қилган киши талаб қилаётган нарсасига далил ва гувоҳ келтириши лозим. Агар унинг ҳеч қандай далили бўлмаса, даъво етказилган шахсга мурожаат қилинади. У даъвони инкор этса, қасам ичиши шарт бўлади ва шу орқали жавобгарликдан халос бўлади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66532